

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА АСАЛАРИЧИЛИК ТАРМОГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ

Жонибек Фарманов

Мустақил тадқиқотчи

Зарипов Асилбек Жасур ўғли

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

“Иқтисодиёт” факультети талабаси

Аннотация

Мақолада республикада асалари чилик тармоғида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлил этилган. Иқлим ўзгаришининг асалари чилик тармоғини ривожлантиришдаги зарурияти ижтимоий, иқтисодий, ташкилий ва экологик жиҳатдан очиб берилган.

Калит сўзлар: асалари чилик, асал етиштириш, иқлим ўзгариши, жиҳат, ресурс, нарх, экология, агрохизмат.

Кириш

Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши, саноатнинг ривожланиши, антрапоген омиллар таъсирида экологик мувозанатнинг бузулиши, глобал иқлим ўзгаришлари, шунингдек, пандемия каби кутимаган хавфларнинг юзага келиши шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш орқали аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳар бир мамлакатда кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Бу масала айниқса хамашё экспортига асосланган аграр давлатлардан импорт ҳисобига ички исътемолларини таъминлайдиган, саноати нисбатан юкори даражада ривожланган давлатлар учун ўзига хос ахборот вазифасини бажармоқда.

Табиий ресурслардан тартибсиз ва оқибатларини ўйламасдан фойдаланишга, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўламини ошириш янги ерларни ўзлаштиришга, сувдан норационал фойдаланишга олиб келди. Буларнинг барчаси экологик мувозанат бузилиб, дунё ҳамжамияти олдига янги муаммоларни, экологик тангликни, қайта тикланмас жараёнларни юзага келишига сабаб бўлди. Экологик иниқролар келиб чиқиш сабабларига кўра табиий ва антрапаген омиллар таъсирида вужудга келиши тўғрисида олимларнинг қарашлари мавжуд бўлсада, сўнгги йиларда иккинчи, яъни антрапаген омил таъсири тез намоён бўлиши билан алоҳида назоратни, аралашувларни талаб қилмоқда. Экологик инқирозларнинг ёққол кўриниши бу глобал иқлим

ўзгаришлари бўлиб, у ўртacha хароратнинг кўтарилиши ёки кескин совуши, номутоносиб ва аномал ёғингарчилик, тошқинлар ва қурғоқчилик билан намоён бўлмоқда.

Асосий қисм

Марказий Осиёда, хусусан мамлакатимизда ҳам иқлим ўзгаришларининг таъсири йилдан йилга сезилиб бораётган бўлиб, бундан энг қўп азият чекадиган, кундалик фаолиятида ёққол сезиб борадиган, ишлаб чиқриш самарадорлигига бевосита таъсир кўрасатадиган иқтисодиёт тармоқларидан бири бу қишлоқ хўжалиги саналади. Қишлоқ хўжалилигини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, унинг салбий оқибатларини юмшатишида агарар тармоқ йўналишларининг ўзига хос ва алоҳида жиҳатлари мавжуд. Бошқача қилиб айтганда иқлим ўзгаришларининг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, бир вақтнинг ўзида бири иккинчисини инкор этади. Хусусан, глобал исиш пахта учун йиллик талаб этилагина иссиқликни нисбатан қисқароқ муддатда олиш имконини берса, у сув тақчиллиги шароитида ўзининг мантигини йўқотиб қўяди. Чорвачилиқда эса харорат кўтарилиши касалликларнинг (чорва касалликлари намлик шароитида яхши ривожланиши нуқтаи назаридан) камайишига олиб келса, озуқа муаммосини вужудга келиши сабабли қийинчиликни юзага келтиради.

Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарблашиб бораётган бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароитлари, географик жойлашуви ва ўсимлик қоплами, хусусан ўсимлик турларининг хилма-хиллиги, уларнинг вегитация даври асаларичиликни ривожлантириш учун қулай бўлиб, узоқ йиллар давомида шаклланган асаларичилик маданияти эса соҳани барқарор ривожлантириш учун замин яратиб беради.

Мустақиллик йилларида барча тармоқлар қатори, агарар тармоқда, жумладан, асаларичиликда ҳам бир қатор агроислоҳотлар амалга оширилган бўлиб, бугунги кунга келиб соҳада бозор иқтисодиётiga асосланган иқтисодий муносабатлар жорий этилган. Мазкур соҳани ривожлантиришга давлат томонидан доимий равишда эътибор қаратилган ҳолда маҳсулот етишириучилар давлат томонидан ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айниқса сўнгги йилларда амалга оширилган агарар ислоҳотлар асаларичиликни ривожлантиришда янги босқичларни бошлаб берди [3].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3327-қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор билан, асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини янада қўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳамда асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республикамизнинг барча худудларида тадбиқ этиш каби фаолиятларга тизими равишда киришилди [1].

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартағи “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4243-сонли қарори билан асаларичилик субъектларига баҳор-ёз мавсумида асалари оиласарини қўшни мамлакатларга «вақтинча олиб чиқиши» божхона режимида кўчириб чиқаришга рухсат берилди. Бу эса, Кирғизистон ва Тожикистон Республикаларида чегарадош худудлардаги нектарга бой бўлган биохилма хиллиқдан фойдаланиш, ўсимликларнинг гуллаш босқичи ўтган турли мавсумларда асалари оиласарини кўчириб ўтиш орқали йил мавсумларида

барқарор ҳосилни таъминлашга хизмат қилмоқда [2].

Мазкур ҳуқуқий асосларни қабул қилиниши асаларичилик тармоғида ишлаб чиқариш күрсаткичларини ошишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, республика бўйича 2010 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 188,6 минг дона асалари оиласи парвариш қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб 2010 йилга нисбатан қарийиб 3,5 мартаға ортган ҳолда 656,5 минг оиласининг ташкил этган. Республикада боқиб-парваришланаётган асалари оиласининг ортиши эса мос равишида жами етиштирилган асал микдорини ўзгаришига сабаб бўлган. Жумладан, 2010 йилда республика бўйича барча тоифадаги хўжаликларда 3171,9 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 2010 йилга нисбатан 462 фоизга ошган ҳолда 14656,5 тоннани ташкил этган. Жадвал маълумотларидан таҳлил қилинаётган йиллар оралиғида дехқон бозорларида асалнинг ўртача нархини ҳам сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин (жадвал).

Жадвал. Республикада асал ишлаб чиқариш кўрсаткичлари [4]

Йил	Асалари оиласи сони, минг дона	Етиштирилган асал, тонна	Дехқон бозорларида ўртача нархи, сўм
2010	188,6	3171,9	8264
2011	238,6	3795,1	9076
2012	290,0	4887,5	9650
2013	364,9	7177,0	11875
2014	424,1	8708,7	14669
2015	464,2	10122,4	16215
2016	505,0	12069,2	19563
2017	526,4	12366,2	24255
2018	574,2	12578,4	29418
2019	599,0	13001,7	31013
2020	600,9	13357,8	38125
2021	644,4	14066,9	42936
2022	656,5	14656,5	50387

Асаларичилик тармоғида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар, мулкчилик шаклларини ўзгариши натижасида жадвал маълумотларидан энг асосий эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат бир бирлик асалари оиласига тўғри келаётган асал микдорини ошиб борганлиги ҳисобланади. Жумладан, 2010 йилда бир оиласига 16,8 кг дан асал ишлаб чиқариш тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 2010 йилга нисбатан ҳар бир оиласига 5,5 кг дан ортиқча асал ишлаб чиқарилган ҳолда ўртача 22,3 кг ни ташкил этганлигини алоҳида ижобий жиҳат сифатида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Шу боисдан ҳам республика аҳолисини табиий ва органик маҳсулотларга бўлган талабини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш, қишлоқ ҳудудларида аҳолини бандлиги ҳамда даромадларини ошириш, бугунги глобаллашув ва иқлим ўзгариши шароитида асаларичилик тармоғини ривожлантириш долзарб масала саналмоқда.



Расм. Иқлим ўзгариши шароитида республикада асаларичилик тармоғини жадал ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарувчи ҳолатлар¹

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда асаларичилик тармоғини барқарор ривожлантириш заруриятини ижтимоий жиҳатдан ахоли сони ортиб бориши натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тоғ ва тоғолди, шунингдек, пахтачилик ҳудудларида ахоли бандлигини таъминлаш, агробизнеснинг, хусусан агрохизматларнинг замонавий шаклларини ривожлантириш каби ҳолатлар ҳам юзага келтирмоқда (расм).

Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан соҳани ривожлантириш орқали қўшимча даромад манбааларни ҳамда кўп тармоқли хўжаликларда айланма маблағларни шакллантириш, фойдаланилмаётган агроресурсларни (гул чанги, чанглатиш хизмати, прополис, асалари заҳри ва бошқа) бозор активига айлантириш каби ҳолатлар ҳам соҳани барқарор ривожлантиришни замон талабига айлантирмоқда.

Ундан ташқари, агрохизматлар ва агроресурслар бозорида янги бозор сегментларини ташкил

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

этиш, тоғ ва тоғолди ҳамда пахтачилик худудларида агробизнеснинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, худудларни ихтисослаштириш ва “ўсиш нуқталари” ва “агродрайверлар”ни аниқлаш каби ташкилий жиҳатлар ҳам мамлакатимизда аграр тармоқ ривожланишининг бугунги босқичида долзарблик касб этиб бормоқда.

Хулоса ва таклифлар

Ўз ўрнида, экологик муаммоларнинг қишлоқ хўжалигига таъсир даражаси йилдан йилга сезилиб бораётган бугунги шароитда иқлим ўзгаришлари таъсирида ўсимликлар чангланиш даврининг бузилиши, муддатлари ўзгариши, йил мавсумларида юқори хароратли ва қуруқ иқлим муддати ортиб бориши ҳамда юқори сифатли асал олинувчи баҳор мавсумида ёғинларчилик миқдори ва хароратнинг кескин ўзгариши, қишлоқ хўжалиги маҳслуотларига кимёвий воситалар қўллаш ҳажми ортиб бориши каби ҳолатлар ҳам асаларичилик соҳасини жадал ривожлантириш заруриятлари сифатида изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асаларичилик. “Агробанк” АТБ – 2021. <https://agrobank.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 марта “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4243-сонли қарори
3. Аскarov Н. Республикада асаларичилик тармоғини ривожлантириш // Амалий қўлланма. “NEW-STYLE STAR” МЧЖ, @ ҚҲИ ИТИ, 2017 йил, 51 бет.
4. [Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги](#) маълумотлари.
5. Bahadirovich, A. F. (2022). Conditions for Forming the Digital Economy in the Republic of Uzbekistan. Journal of Marketing and Emerging Economics, 2, 88-92.
6. Bahadirovich, A. F. (2021). The Main Directions of State Regulation of Entrepreneurial Activity. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 12, 22-27.
7. Egamberdiyeva Salima Rayimovna, & Aralov Sabir Javli ugli. (2022). Issues of Compliance of Financial Statements with International Standards. Journal of Corporate Finance Management and Banking System (JCFMBS) ISSN : 2799-1059, 2(02), 1–10. <https://doi.org/10.55529/jcfmbs22.1.10>
8. Yakubova, S. S., Egamberdiyeva, S. R., & Boyqobilov, F. S. (2022). TA'LIM MUASSASASI VA ISHLAB CHIQARISH HAMKORLIGI SALOHIYATLI KADR TAYYORLASHNING ASOSIY OMILIDIR. Gospodarka i Innowacje., 24, 211-216.
9. Tursunov, I., Jumayeva, G., & Ostanov, K. (2017). Features of innovation development of the economy Uzbekistan. In International conference on scientific development in North America (pp. 43-49).
10. Жумаева, Г. Ж., Хасanova, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
11. Алимханова, А. Н., & Мицель, А. А. (2019). Оценка эффективности предприятий на основе метода DEA. Доклады Томского государственного университета систем управления и радиоэлектроники, 22(2), 104-108.
12. Равшанов, А. Д., Хасанов, Ш. Х., & Алимханова, Н. А. (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.

13. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ХИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Innovatsion texnologiyalar, 1(04), 108-111.
14. Azimova, H. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. Gospodarka i Innowacje., 29, 183-188.
15. Alisher Ravshanov 2022. The city as a social phenomenon: sociological and historical approaches. INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL "THE CAUCASUS AND THE WORLD". 24 (May 2022), 153–158. DOI:<https://doi.org/10.52340/isj.2022.24.22>.
16. Kholmurodov, O. (2022). CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS AND THEIR THEORETICAL FOUNDATIONS. Educational Research in Universal Sciences, 1(7), 432-436.
17. Normamatovich, Kholmurodov O., et al. "Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 53-56.
18. Bobaqulovich, R. A. (2022). PROBLEMS OF REFLECTING THE COST OF GOODS AND MATERIAL RESOURCES. IJODKOR O'QITUVCHI, 2(19), 151-159.
19. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛЬ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. Журнал Инновации в Экономике, 4(5).
20. Zoyirovna, M. K. (2022). DYNAMICS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO THE ECONOMY OF KASHKADARYA REGION AND THE FACTORS AFFECTING IT. Gospodarka i Innowacje., 29, 226-233
21. Zoyirovna, M. K. (2022). IMPORTANCE OF ENTERPRISES WITH FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY. Gospodarka i Innowacje., 29, 219-225.
22. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. ECONOMICS, (3), 33-42.
23. Mamasabirovich, M. K., & Hakimovich, B. K. (2023). ORGANIZATION OF PRIVATE CAPITAL ACCOUNTING IN ECONOMIC ENTITIES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING (IFRS). Gospodarka i Innowacje., 32, 49-54.
24. Khakimovich, B. K. (2019). THE INTERNATIONAL TREATIES FOR THE AVOIDANCE OF DOUBLE TAXATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Review of law sciences, 1(7), 89-91.
25. Ziyadullayevich F. J. et al. MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI //Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions. – 2022. – C. 847-852.
26. Farmanov, J. Z., Rimboyeva, N., & Qaxramonov, F. (2022). MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(3), 1191-1197.

27. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY, 81-87.
28. Шодиев Б.Т. (2022). ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАСТБИЩ. Экономика и социум, (10-1 (101)), 750-759.
29. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Современный экономический механизм развития сельского хозяйства. Вестник науки и образования, (5-1 (83)), 41-45.
30. Hakimovich, B. A. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. International Journal of Modern Agriculture, 10(2), 3943-3949.
31. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. Gospodarka i Innowacje., 29, 202-206.
32. Туробов, Ш. А. (2022). АЁЛЛАР МЕҲНАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 127-134.
33. Yakubova, S. (2021). Sh. The role of effective implementation of monetary policy in a pandemic condition/Sh. Sh. Yakubova, MD Raimova. Theoretical & Applied Science, (12), 104.
34. R. H. Djalilov. (2023). PROBLEMS OF CALCULATION OF VALUE ADDED TAX IN THE TAX SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Intent Research Scientific Journal, 2(3), 65–71. Retrieved from <https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/52>
35. Hamidovich, D. R. (2022). REGULATORY AND LEGAL FRAMEWORK FOR THE ORGANIZATION OF CAMERAL CONTROL IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS SIGNIFICANCE. Gospodarka i Innowacje., 30, 49-54.
36. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. Gospodarka i Innowacje., 24, 390-394.
37. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ, 2(7).
38. Музafferова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. Архив научных исследований, 1(1).
39. Музafferова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. Экономика и предпринимательство, (1), 411-414.
40. Аликулов, А. Т. (2020). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ТОРГОВЛИ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА. In Актуальные вопросы экономики (pp. 63-66).
41. Alikulov, A. T. (2022). In Uzbekistan, the use of the Stock Market in Attracting Financial Resources by Corporate Entities is One of the Tools. Journal of Marketing and Emerging Economics, 2(5), 66-69.
42. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳатлар кўлами. Архив научных исследований, (29).
43. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. Илкогретим Онлайн , 20 (3).

44. Atajanovich, M. A., Faizullaevich, K. A., & Akhmatzhanovich, M. M. (2022, October). DEVELOPMENT OF THE INVESTMENT MECHANISM DURING THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS (Vol. 1, No. 25.10, pp. 292-308).
45. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусақулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL_2022_ISSUE_7_1